

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИБРОҲИМОВА ЗУЛАЙХО ЭРГАШ ҚИЗИ**

**МУРАККАБ ФРАКТАЛ ТУЗИЛИШЛИ ОБЪЕКТЛАРНИ**  
**МАТЕМАТИК МОДЕЛ ВА РЕКУРСИВ АЛГОРИТМЛАРИНИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.01 - Муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси.  
Аудио ва видеотехнологиялари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Иброҳимова Зулайхо Эргаш қизи</b> Мураккаб фрактал тузилишли объектларни математик модел ва рекурсив алгоритмларини ишлаб чиқиш	3
<b>Иброҳимова Зулайхо Эргаш қизи</b> Разработка математических моделей и рекурсивных алгоритмов объектов со сложной фрактальной структурой	21
<b>Ibrohimova Zulaykho Ergash qizi</b> Development of mathematical models and recursive algorithms for objects with a complex fractal structure	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works	43

**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИБРОҲИМОВА ЗУЛАЙХО ЭРГАШ ҚИЗИ**

**МУРАККАБ ФРАКТАЛ ТУЗИЛИШЛИ ОБЪЕКТЛАРНИ**  
**МАТЕМАТИК МОДЕЛ ВА РЕКУРСИВ АЛГОРИТМЛАРИНИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.01- Мухандислик геометрияси ва компьютер графикаси.  
Аудио ва видеотехнологиялари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T2744 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Анарова Шахзода Аманбаевна  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Назирова Элмира Шодмоновна  
техника фанлари доктори, профессор  
Ҳамдамов Уткир Рахматиллаевич  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «27» январь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; e-mail: [iktuit@tuit.uz](mailto:iktuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (260 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2023 йил «09» январь куни тарқатилди.  
(2022 йил «20» декабрь даги 14 рақамли реестр баённомаси).



*R. N. M. Musaev*

**М.М. Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Н.О. Рахимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, техника фанлари доктори, доцент

*U. R. Hamdamov*

**У.Р. Ҳамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, техника фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда фракталлар назариясининг математик жиҳатларини тадқиқи, ҳамда, табиий жараёнлар ва ҳодисаларни фракталлар назарияси ёяларидан фойдаланиб тавсифлаш усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса фрактал шаклларнинг математик тенгламаларини қуришда фракталлар назарияси, компьютер графикаси усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, мураккаб фрактал тузилишли геометрик шаклларни математик моделлари ва рекурсив алгоритмларини, ҳамда уларни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур соҳада ривожланган хорижий мамлакатларда, шу жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Эрон, Корея, Қозоғистон ва бошқа давлатларда фрактал геометрик шакллардан тўқимачилик саноатида газламалар, гиламлар, либослар ва бошқаларнинг замонавий дизайни учун нақшларни ишлаб чиқишда, компьютер манзараларини яратишда, турли хил иллюстрацияларда, архитектура, радиотехникада, телекоммуникацияда, керамика ва чинни буюмларга нақшлар чизишда, шаҳарсозликда фойдаланиш технологияларини ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий масалаларини ечишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда фрактал геометрик шаклларни тўқимачилик саноати дизайни соҳасида қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш, ривожлантириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Фрактал тасвирларнинг яратилишини ҳисобга олган ҳолда, фракталларнинг тўқимачилик соҳасида қўлланилиши икки қисмга ажратилади. Биринчидан, фрактал тасвирлар тўқимачилик нақшларини лойиҳалашда, иккинчидан, тўқилган газламанинг ўтказувчанлигини таҳлил қилиш, газлама дефектини аниқлаш, газлама юзасини текстурани таҳлил қилиш ва бошқалар каби хусусиятлари фракталлар назариясига асосланиб таҳлил қилинади. Фрактал тасвирларнинг қўлланилиши тўқимачилик нақшларини лойиҳалаш учун янги ижодий ёяларни тақдим этади. Фрактал назария тўқимачилик саноатининг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш учун кучли воситадир.

Республикамизда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш, саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 апрель куни тўқимачилик саноати барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида келгуси 5 йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 бараварга кўпайтириш, таннархни рақобатчиларга нисбатан арзонлаштириб, ташқи бозорларни эгаллаш бўйича топшириқлар берилган эди. Бунинг учун маҳсулотлар ассортиментини

кенгайтириб, сифатини кескин ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Шу кўйилган мақсадни амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилаётган газлама нақшлари дизайнни бежирим, жозибадор нақшлар билан бойитиш, харажатлар ва сарфланадиган вақтни қисқартириш учун фрактал тасвирларни математик моделини ишлаб чиқиш ва натижаларни амалиётга тадбиқ этиш кўшимча омил сифатида муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харидоргирлигини ошириш учун замонавий ахборот технологиялари асосида тўқимачилик саноати учун замонавий дизайндаги нақшларнинг математик моделлари ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш, саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш...»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни ижросини таъминлашда мураккаб фрактал тузилишли миллий нақшларни моделлаштиришни автоматлаштирувчи дастурий мажмуа ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармонидаги «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш чора тадбирларини амалга ошириш тўғрисида...», 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 майдаги ПҚ-4341-сон «Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган Саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони

ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мураккаб фрактал тузилишли геометрик шаклларни математик моделлаштириш муаммоларига қатор монографиялар ва журналларнинг мақолалари бағишланган, жумладан, Б.Б.Мандельброт, Г.М.Жулиа, Wen Li, W.Luo, Y.P.Zhang, E.Chaos, K.Gdawiec, L.Krzysztof, W.Kotarski, A.Lisowska, Y.Ishikawa, S.Suantai, В.Каракая, Р.Бранч, К.Д.Фальконер, А.А.Потапов, Ю.С.Семерич, С.В.Чопоров, А.Д.Морозов, М.А.Романов ва бошқалар фрактал геометриянинг соҳасини кенгайтиришга ҳаракат қилган, шу жумладан бутун дунёда уларни амалий қўллашга, радиотехника ва радиолокация соҳасида, бозордаги қимматли қоғозларни нархларини башорат қилишдан тортиб назарий физиканинг янги кашфиётларини бажаришгача қўллаган.

Республикамизда фракталлар назариясини ривожлантириш бўйича Б.А.Бондаренко, Ш.А.Назирова, Б.Хўжаёров, Ш.А.Анарова, Ф.М.Нуралиев ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диққатга сазовор. Академик Б.А.Бондаренко арифметик хусусиятли биномиал базис кўпхадлар назариясига асосан умумлашган «Паскаль учбурчак»лари, «Паскаль пирамида»ларини ва уларнинг фракталлари тенгламаларини қуриш учун илмий тадқиқот ишлари олиб борган. Профессор Ш.А.Назирова R-функция усулидан (RFM) фойдаланиб мураккаб тузилишдаги классик геометрик фракталларнинг тенгламаларини ва рекурсив алгоритмларини ишлаб чиққан.

Мазкур соҳадаги тадқиқотларнинг ўрганилганлиги шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда фракталларни қуришда L-тизимлар, итерацион функциялар тизими (IFS) усуллари кенг фойдаланилади. Бироқ, мураккаб фрактал тузилишли геометрик шаклларни математик моделлаштиришда, хусусан R-функциялар усулини қўллаб ўзбек миллий нақшларидаги айлана, эксклюзив антенна, боғланган, кесишувчи, уринишли-кесишувчи, ички кесишувчи айланалар, дарахт кўринишидаги фракталлар, мунтазам кўпбурчаклардан иборат мураккаб фрактал тузилишга эга объектларни математик моделлаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий – тадқиқот ишлар режасининг №БА-А5-014 «Мураккаб фрактал тузилишларни R-функция ва арифметик хусусиятлар назариясига асосан аналитик баён этишнинг автоматлаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018) амалий лойиҳаси ва №ФЗ-2019081212-сонли «Ўзбек миллий нақшларида мураккаб фрактал тузилишларни баён этишни геометрик моделлаштириш технологиясини ишлаб чиқариш» (2020-2021) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мураккаб фрактал тузилишли геометрик объектларни L-тизимлар, R-функция (RFM) ва IFS усуллари асосида математик (геометрик) модел ва рекурсив алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Мураккаб фрактал тузилишли икки ўлчовли (2D) миллий нақшларни математик (геометрик) модел ва алгоритмлари, визуаллаштириш усуллари ва уларни қўллаш соҳалари бўйича таҳлилни амалга ошириш;

L-тизимлар, IFS, R-функция (RFM) усуллари ҳамда геометриянинг асосий тушунчаларини қўллаган ҳолда газламалардаги мураккаб фрактал тузилишли айланасимон ва дарахтсимон миллий нақшларни чизишнинг геометрик моделларини такомиллаштириш ва рекурсив алгоритмларини ишлаб чиқиш;

итерацион усуллар ва полиномиографлар ёрдамида мураккаб фрактал тузилишли тасвирларни ҳосил қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

айлана ва юлдузсимон фракталларни деформациялаш натижасида инверсион фракталлар тўпламини ҳосил қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

газламалардаги мураккаб фрактал тузилишли миллий нақшларни RFM, L-тизимлар, IFS усуллари ёрдамида визуаллаштиришни автоматлаштирувчи дастурий мажмуанинг функционал схематик тузилишини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида миллий нақшлардаги мураккаб фрактал тузилишли объектлар қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** тўқимачилик саноатидаги газлама ва гилам нақшлар дизайни учун мураккаб фрактал тузилишли геометрик шаклларни ҳосил қилувчи RFM, L-тизимлар, IFS усуллари асосида ишлаб чиқилган математик модел, рекурсив алгоритмлар ва дастурий мажмуадан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида фракталлар назарияси, RFM, L-тизимлар, IFS, ахборотларни қайта ишлаш, алгоритмлаш назарияси, дастурлаш технологияси усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

L-тизимлар, IFS, R-функция (RFM) усуллари ва геометриянинг асосий тушунчалари асосида газламалардаги мураккаб фрактал тузилишли айланасимон ва дарахтсимон миллий нақшларни чизишнинг геометрик моделлари такомиллаштирилган ва рекурсив алгоритмлари ишлаб чиқилган;

итерацион усуллар ва полиномиографлар ёрдамида мураккаб фрактал тузилишли тасвирларни ҳосил қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

айлана ва юлдузсимон фракталларни деформациялаш натижасида инверсион фракталлар тўпламини ҳосил қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

газламалардаги мураккаб фрактал тузилишли миллий нақшларни RFM, L-тизимлар, IFS усуллари ёрдамида визуаллаштиришни автоматлаштирувчи дастурий мажмуанинг функционал схематик тузилиши ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фрактал тузилишли миллий нақшларни L-тизимлар, IFS усуллари ва геометрик алмаштиришлар ёрдамида математик моделлари ишлаб чиқилган;

RFM усули ёрдамида фрактал тузилишли миллий нақшларни модел ва рекурсив алгоритмлари ишлаб чиқилган;

мураккаб фрактал тузилишли миллий нақшларни RFM, L-тизимлар, IFS усуллари ёрдамида моделлаштириш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фрактал тузилишли объектларни RFM усули, аналитик геометрия ва компьютер графикаси қоидаларига мослиги, таклиф этилган алгоритмларни ишлаб чиқишда фрактал тузилишли объектларни RFM, итерацион усуллар ва полиномиографлар, L-тизимлар, IFS усулларида моделлаштиришнинг математик аппаратининг тўғри қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фрактал тузилишли объектларни аналитик-конструктив ва комбинатор усуллар ҳамда компьютер графикасининг геометрик алмаштиришлари асосида моделлаштиришнинг назарий асосларининг истиқболли ривожланишига RFM ва полиномиал итерация усуллари ва алгоритмлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти геометрик моделлар асосида ҳосил қилинган фракталларни автоматлаштириш имконини берувчи дастурий мажмуани ишлаб чиқиш газлама, гилам, қурилиш объектлари нақшлари дизайнини лойиҳалаш соҳаларига жорий қилишга қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация доирасида фрактал тузилишли миллий нақшларни геометрик моделлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган рекурсив алгоритмлар ва яратилган дастурий мажмуа асосида:

миллий нақш шакллари ишлаб чиқишда ва уларга дизайн беришда фракталлар назарияси, RFM усули асосида ишлаб чиқилган алгоритм, автоматлаштирувчи дастурий восита «SAMARQAND PRODUCTS» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 33-8/6758-сон маълумотномаси). Натижада миллий гиламларнинг нақш шакллари ишлаб чиқишда, уларнинг дизайнини лойиҳалашда фрактал кўринишдаги замонавий нақшларни шакллантиришни автоматлаштириш ишлаб чиқаришни 7% -10% га ошириш ва меҳнат ҳажмини камайтириш имконини берган;

компьютер графикасининг геометрик алмаштиришлари ёрдамида фрактал тузилишли тасвирларни геометрик моделлаштириш усуллари ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий восита «BELKIS CARPET» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 33-8/6758-сон маълумотномаси). Натижада маҳсулотнинг сифатини ва харидор талабидаги нақш шаклининг рангини кенг қамровда ўзгартириш орқали маҳсулотга бозор талабини 1.1-1.2 мартага ошириш имконини берган;

мураккаб фрактал тузилишли геометрик шакллар қуриш алгоритмлари базасига эга бўлган дастурий восита «ZAMON TEKSTIL EXPORT» МЧЖга

жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 33-8/6758-сон маълумотномаси). Натижада газлама дизайнни безатишда фойдаланиладиган нақшларни яратиш учун кетадиган вақтни ўртача 10% га қисқартириш имконини берган;

мураккаб фрактал тузилишли геометрик шакллар қуриш алгоритмлари базасига эга бўлган дастурий восита «ARCH VISION PROJECT» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 33-8/6758-сон маълумотномаси). Натижада замонавий бино архитектуралари дизайнни яратиш учун кетадиган вақтни ўртача 15% га қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан 5 та хорижий журналларда ва 6 та республика журналларда чоп этилган ҳамда 5 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мураккаб фрактал тузилишларни модел ва алгоритмлари бўйича адабиётлар шарҳи**» номли биринчи бобида, муаммонинг долзарблиги аниқланган. Фрактал тузилишли объектларни қуриш усуллари бўйича хорижий давлатлар ва республикамизда олиб борилаётган илмий ва амалий тадқиқот ишлари атрофлича таҳлил қилинган, ҳамда фракталлар назариясининг асосий тушунчалари, фракталларни қуриш усулларининг ҳозирги ҳолати, уларнинг қўллаш соҳалари ўрганилган, фрактал ўлчовни ҳисоблаш усуллари изоҳланган ва таҳлил қилинган, фракталларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда фракталларга доир бўлган умумий тушунчалар баён этилган ва тадқиқот иши масаласининг қўйилиши


келтирилган. Шунингдек, мазкур бобда айланасимон фрактал тузилишларни модел ва алгоритмлари, фракталларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда фракталларга доир бўлган умумий тушунчалар баён этилган. Фракталларнинг турлари ва синфларга бўлинишларига асосан фракталларни куриш усуллари таснифланган. Фракталларнинг фан ва техника соҳаларида жумладан, математикада, физикада, компьютер графикасида, енгил саноатда, электроникада, астрофизикада, биологияда, материалшуносликда, тиббиётда қўлланилиши ўрганилган, фрактал шаклларни маҳсулот дизайнида қўллаш бўйича аниқ ечимлар келтирилган. Мавжуд усул ва алгоритмларни назарий ҳамда амалий таҳлил қилиш натижасида аниқланган муаммолар асосида тадқиқот масаласининг қўйилиши ва мақсади шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Мураккаб фрактал тузилишли объектларни геометрик модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш**» номли иккинчи боби фракталларни геометриянинг асосий тушунчаларидан фойдаланиб, итерацион усуллар ва полимоиографлар ёрдамида, L-тизимлар ва IFS усулларида, RFM усули ёрдамида ҳамда инверсион фракталларни ҳосил қилиш алгоритмлари асосида куришга бағишланган.


Аналитик усулда айланалардан иборат фракталларни ҳосил қилишда аввало асосий геометрик элементлар танлаб олинади, яъни  $M(x_0, y_0)$  - айлана марказининг координаталари,  $R$  - айлана радиуси,  $l$  - радиуснинг катталашishi (ёки кичиклашиши),  $\alpha$  - бошланғич бурчак,  $n$  - элементлар сони,  $S$  - рекурсиялар сони (ёки қадам).




$M(500:400)$ ,  $R = 350$ ,  
 $\alpha = 45$ ,  $n = 4$ ,  $l=45$ ,  
 $k = 2$ ,  $S = 3$




$M(500:400)$ ,  $R = 350$ ,  
 $\alpha = 0$ ,  $n = 7$ ,  $l=45$ ,  
 $k = 2$ ,  $S = 3$




$M(500:400)$ ,  $R = 350$ ,  
 $\alpha = 0$ ,  $n = 4$ ,  $l=45$ ,  
 $k = 2$ ,  $S = 5$



$M(500:400)$ ,  $R = 350$ ,  
 $\alpha = 30$ ,  $n = 5$ ,  $l=45$ ,  
 $k = 2$ ,  $S = 6$



$M(500:400)$ ,  $R = 350$ ,  
 $\alpha = 0$ ,  $n = 3$ ,  $l=45$ ,  
 $k = 2$ ,  $S = 10$



$M(500:400)$ ,  $R = 350$ ,  
 $\alpha = 15$ ,  $n = 4$ ,  $l=0$ ,  
 $k = 2.7$ ,  $S = 9$

**1-расм.  $k = 2$ ,  $k = 2.7$ ;  $S=3$ ,  $S=5$ ,  $S=6$ ,  $S=9$ ,  $S=10$  қадамларда ҳосил бўлган айланасимон фракталлар**

Геометриянинг асосий тушунчаларидан фойдаланиб айланалардан иборат фракталларни ҳосил қилишнинг умумий формуласи куйидагича бўлади:

$$\Phi P_2 = \sum_{j=1}^S \left( \sum_{i=1}^n M_i^j \left( x_0 - \left( R \cdot \frac{(l-1)}{l} \right) \cdot \cos \left( \frac{\left( \left( \alpha + n \cdot \left( \frac{360}{k} \right) \right) \cdot \pi \right)}{180} \right), y_0 - \left( R \cdot \frac{(l-1)}{l} \right) \cdot \sin \left( \frac{\left( \left( \alpha + i \cdot \left( \frac{360}{k} \right) \right) \cdot \pi \right)}{180} \right) \right) \right)$$

$$R = R/l.$$

IFS усулида ўзига ўхшаш фрактални яратиш учун Жон Хатчинсон рекурсив функциясидан фойдаланилади. Унинг кўриниши куйидагича:

$$A_n = \bigcup_{i=1}^m f_i(A_{n-1}).$$

бу ерда  $f$  – кўчиш, айлантириш, қисқартириш ва акслантиришнинг комбинацияси бўлган чизиқли алмаштиришдир.

Аффин шартли алмаштиришларининг текисликдаги тенгламаси куйидагича ифодаланади:

$$f_i = \lambda_i \begin{bmatrix} \mu_1 & 0 \\ 0 & \mu_2 \end{bmatrix} \begin{bmatrix} \cos \theta & -\sin \theta \\ \sin \theta & \cos \theta \end{bmatrix} \begin{bmatrix} x \\ y \end{bmatrix} + \begin{bmatrix} \delta_x \\ \delta_y \end{bmatrix},$$

бу ерда  $i = 1, 2, \dots, m, m \geq 1$  ва  $\lambda_i < 1$  шартли қиймат,  $\mu_1 = -1$  ва  $\mu_2 = 1$  у ўқи бўйлаб,  $\mu_1 = 1$  ва  $\mu_2 = -1$  х ўқи бўйлаб акслантиришлар,  $\theta$  - бурилиш бурчаги,  $\delta_x$  ва  $\delta_y$  мос равишда х ўқи ва у ўқи бўйлаб силжиши.

Бешбурчакли фракталларни IFS усулида ҳосил қилиш учун масштаб омили ёрдамида 6 та функция тузиб олинади:

$$r = \frac{3 - \sqrt{5}}{2} = 0.381966.$$

$$f_1(x) = \begin{bmatrix} 0.382 & 0 \\ 0 & 0.382 \end{bmatrix} x;$$

$$f_2(x) = \begin{bmatrix} 0.382 & 0 \\ 0 & 0.382 \end{bmatrix} x + \begin{bmatrix} 0.618 \\ 0 \end{bmatrix};$$

$$f_3(x) = \begin{bmatrix} 0.382 & 0 \\ 0 & 0.382 \end{bmatrix} x + \begin{bmatrix} 0.809 \\ 0.588 \end{bmatrix};$$

$$f_4(x) = \begin{bmatrix} 0.382 & 0 \\ 0 & 0.382 \end{bmatrix} x + \begin{bmatrix} 0.309 \\ 0.951 \end{bmatrix};$$

$$f_5(x) = \begin{bmatrix} 0.382 & 0 \\ 0 & 0.382 \end{bmatrix} x + \begin{bmatrix} -0.191 \\ 0.588 \end{bmatrix};$$

$$f_6(x) = -1 \cdot \begin{bmatrix} 0.382 & 0 \\ 0 & 0.382 \end{bmatrix} x + \begin{bmatrix} 0.691 \\ 0.951 \end{bmatrix}.$$

Ушбу жараён учун рекурсив функциялар куйидагича ҳосил қилинади:

$$F_1 = f_1(F_0) \cup f_2(F_0) \cup f_3(F_0) \cup f_4(F_0) \cup f_5(F_0) \cup f_6(F_0),$$

$$F_2 = f_1(F_1) \cup f_2(F_1) \cup f_3(F_1) \cup f_4(F_1) \cup f_5(F_1) \cup f_6(F_1),$$


$$\dots$$

$$F_n = f_1(F_{n-1}) \cup f_2(F_{n-1}) \cup f_3(F_{n-1}) \cup f_4(F_{n-1}) \cup f_5(F_{n-1}) \cup f_6(F_{n-1}).$$

$$F = \bigcup_{n=0}^{\infty} F_n,$$

$$F_n = \bigcup_{i=1}^m f_i(F_{n-1}) \cup F_0.$$

$F_0$  сифатида  $i=0$  ҳолат учун қуйидаги дастлабки геометрик шаклни танлаб оламиз ва расмдаги  $F_0, F_1, F_2, F_4$  натижаларни ҳосил қиламиз:



**2-расм. Итерациянинг дастлабки тўртта қадами учун ҳосил қилинган бешбурчакли фракталлар**

6 та устма - уст тушмайдиган бешбурчакдан иборат бўлган, итерациянинг 4-қадамида ҳосил бўлган фракталнинг ўлчови қуйидагича ҳисобланади:

$$\sum_{k=1}^6 r^d = 1 \Rightarrow d = \frac{\log\left(\frac{1}{6}\right)}{\log(r)} = \frac{\log(6)}{\log\left(\frac{2}{3-\sqrt{5}}\right)} = 1.86172.$$

Фракталларни газлама, гилам, чинни ва керамик буюмларга нусхалаш (штамплаш) учун уларнинг тенгламасини ёзиш керак бўлади. R-функция (RFM) усулини қўллаган ҳолда фрактал кўринишдаги тасвирлар, яъни айланалардан иборат фрактал тенгламалар қурилган ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Фрактал ҳалқали тузилишлар тадқиқотида асосан симметрия ва ўхшашлик хусусиятлари ҳисобга олинган. Айланасимон фракталларни қуриш алгоритми қуйидагича:

1.  $A_1$  да фрактал антенна тузилишининг асосий элементи сифатида биринчи итерацияда радиуси 11 мм,  $Ox$  ўқи бўйича қалинлиги 0,4 мм ва радиуси бўйича 0,2 мм бўлган ҳалқа олинган.

0 - итерацияда асосий ҳалқага берилган ҳалқага нисбатан уч марта кичик бўлган 7 та ҳалқалар жойлаштирилади. Бошқа элементлари (эни ва ҳалқанинг қалинлиги) ўзгаришсиз қолдирилади. 6 та кичик айлананинг маркази олтибурчакнинг учига  $R*2/3$  масофада жойлаштирилади. Еттинчи

айлананинг маркази асосий антеннанинг маркази билан устма-уст тушади. Бу куришни итерацион алгоритмнинг биринчи қадами деб атаймиз ва уни  $A_1$  билан белгилаймиз.

2. Иккинчи итерациядаги  $A_2$  эксклюзив ҳалқаларни куриш учун  $A_1$  модел учун қўлланган алгоритмдан фойдаланилади.

Ҳар бир айланага олдинги радиусдан икки марта кичик бўлган олтига айлана қўйилади, маркази олтибурчакнинг учидаги бошланғич радиусдан  $R \cdot 2/3$  масофада жойлаштирилади. Еттинчи айлана асосий айлана марказида жойлаштирилади. Шундай қилиб, 3 - расмда келтирилган фрактал антенна модели ҳосил қилинади. Худди 1 пунктдаги каби коаксиал чизиқларнинг диаметри 0,5 мм. Антенналарнинг қалинлиги 0,4 мм, ҳалқанинг эни 0,2 мм. Ташқи айлананинг радиуслари  $R = 11$  мм,  $R_1 = R/3$ ,  $R_2 = R/9$ .

$A_1$  айланасимон фракталнинг тенгламасини кураимиз:

0 - кадам.

$$\omega_{00} = \frac{R_0^2 - x^2 - y^2}{2R}. \quad (1)$$

1 - кадам.

$$r_1 = \frac{1}{3}R_0, \quad a_1 = \frac{2}{3}R_0, \quad dx = \frac{\sqrt{3}}{3}R_0, \quad dy = \frac{1}{3}R_0,$$

$$\omega_{10} = \frac{r_1^2 - x^2 - y^2}{2r_1}, \quad \omega_{11} = \frac{r_1^2 - x^2 - (y - a_1)^2}{2r_1},$$

$$\omega_{12} = \frac{r_1^2 - x^2 - (y + a_1)^2}{2r_1}, \quad \omega_{14} = \frac{r_1^2 - (x + dx)^2 - (y + dy)^2}{2r_1}, \quad \omega_{15} = \frac{r_1^2 - (x - dx)^2 - (y + dy)^2}{2r_1},$$

$$\omega_{16} = \frac{r_1^2 - (x - dx)^2 - (y - dy)^2}{2r_1},$$

$$\omega = (\omega_{00} \vee_0 (\omega_{10} \vee_0 \omega_{11} \vee_0 \omega_{12} \vee_0 \omega_{13} \vee_0 \omega_{14} \vee_0 \omega_{15} \vee_0 \omega_{16})). \quad (2)$$

$$\omega_0 = \frac{R_0^2 - x^2 - y^2}{2R} \wedge_0 \frac{x^2 + y^2 - (R - dr)^2}{2R} \geq 0. \quad (3)$$

$$\omega_{10} = \omega_0(r_1, x, y), \quad \omega_{11} = \omega_0(r_1, x, y - a_1), \quad \omega_{12} = \omega_0(r_1, x, y + a_1),$$

$$\omega_{13} = \omega_0(r_1, x + dx, y - dy), \quad \omega_{14} = \omega_0(r_1, x + dx, y + dy),$$

$$\omega_{15} = \omega_0(r_1, x - dx, y + dy), \quad \omega_{16} = \omega_0(r_1, x - dx, y - dy),$$

$$\omega_1 = (\omega_{00} \vee_0 (\omega_{10} \vee_0 \omega_{11} \vee_0 \omega_{12} \vee_0 \omega_{13} \vee_0 \omega_{14} \vee_0 \omega_{15} \vee_0 \omega_{16})).$$

Юқорида келтирилган (1)-(3) формулалардан  $i$  - кадамни аниқлаймиз:

$$r_i = \frac{1}{3}r_{i-1}, \quad a_i = \frac{2}{3}r_{i-1}, \quad dx = \frac{\sqrt{3}}{3}r_{i-1}, \quad dy = \frac{1}{3}r_{i-1},$$

$$\omega_{i0} = \omega_{i-1}(r_i, x, y), \quad \omega_{i1} = \omega_{i-1}(r_i, x, y - a_i), \quad \omega_{i2} = \omega_{i-1}(r_i, x, y + a_i),$$


$$\omega_{i3} = \omega_{i-1}(r_i, x + dx, y - dy), \quad \omega_{i4} = \omega_{i-1}(r_i, x + dx, y + dy),$$

$$\omega_{i5} = \omega_{i-1}(r_i, x - dx, y + dy), \quad \omega_{i6} = \omega_{i-1}(r_i, x - dx, y - dy),$$

$$\omega = (\omega_{00} \vee_0 (\omega_{i0} \vee_0 \omega_{i1} \vee_0 \omega_{i2} \vee_0 \omega_{i3} \vee_0 \omega_{i4} \vee_0 \omega_{i5} \vee_0 \omega_{i6})). \quad (4)$$

$i = 2, 3, 4, \dots$

Ажратиб кўрсатиш мумкинки  $i=2$  да  $A_2$  айлананинг моделини оламиз,  $i=0, 1, 2, 3, 4$  ҳисоблашлар натижалари 3- расмда келтирилган.



**3-расм.  $A_2$  эксклюзив антенна**

$R$ -функция усулида боғланган айланаларни ҳосил қилиш. Ташқи айлана тенгламаси қуйидагича аниқланган:

$$\omega_{00} = \omega_{00}(R, x, y) = (R^2 - x^2 - y^2 \geq 0),$$

айланага боғланувчи айлананинг тенгламаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\omega_0 = \omega_{00} \wedge_0 (x^2 + y^2 - (R-a)^2 \geq 0),$$


бу ерда  $a$  - айлананинг қалинлиги,  $R$  - ташқи айлананинг радиуси,  $\alpha = \frac{2\pi}{k}$ ;

$k$  - ҳар бир итерациядан кейинги ички айланаларнинг сони  $k=2,3,4,\dots$

Бу ерда итерацияни қўллаб қуйидаги рекурсив функцияга эга бўламиз:


$$\begin{aligned} \omega_n(R, x, y) = & \omega_0(R, x, y) \vee_0 \omega_{n-1}\left(\frac{R}{3}, x, y\right) \vee_0 \omega_{n-1}\left(\frac{R}{3}, x - \frac{2R}{3}\cos(0), y - \frac{2R}{3}\sin(0)\right) \vee_0 \\ & \vee_0 \omega_{n-1}\left(\frac{R}{3}, x - \frac{2R}{3}\cos(\alpha), y - \frac{2R}{3}\sin(\alpha)\right) \vee_0 \omega_{n-1}\left(\frac{R}{3}, x - \frac{2R}{3}\cos(2\alpha), y - \frac{2R}{3}\sin(2\alpha)\right) \vee_0 \dots \vee_0 \quad (5) \\ & \vee_0 \omega_{n-1}\left(\frac{R}{3}, x - \frac{2R}{3}\cos((k-1)\alpha), y - \frac{2R}{3}\sin((k-1)\alpha)\right) \geq 0; \quad n=1, 2, 3, \dots \end{aligned}$$

Ҳисоблаш экспериментининг  $k=5$  даги натижалари қуйидагича:




**4-расм. Айланалардан иборат фракталлар**


Ажратиб кўрсатиш мумкинки, агар  $k < 6$  да ички айланалар бир - бирига уринмайди,  $k=6$  да ички айланалар уринади,  $k > 6$  да ички айланалар кесишади.



n=1, k=10




n=2, k=10



n=3, k=10

### 5-расм. Кесувчи айланалардан иборат фракталлар

Айлана шакли фракталларни деформациялаш натижасида инверсион фракталлар тўпламини ишлаб чиқиш алгоритми куйидагича:




$$d(o, p) \cdot d(o, p') = R^2,$$

Агар  $O = (x_0, y_0)$  ва  $p = (x_p, y_p)$  бўлса,  $I_C$  куйидаги кўринишдаги формулага эга бўлади:


$$p' = I_C(p) = (x_0, y_0) + \frac{R^2}{(x_p - x_0)^2 + (y_p - y_0)^2} (x_p - x_0, y_p - y_0). \quad (6)$$

$S_1, \dots, S_k$  - танланган инверсия марказлари билан айлана шаклидаги тўплamlар,  $p_0 - S_1, \dots, S_k$  дан ташқаридаги бошланғич нуқтаси,  $n > 20$  – такрорлашлар сони,  $k$  - ички айланалар сони.



7-расм: Тасодифий инверсия алгоритмининг блок схемаси

$imgx = 700$ ,  $imgy = 700$ ,  $k \in [3, 6]$  қийматлар учун қуйидаги инверсион фракталлар ҳосил қилинди:



$k=3$

$k=4$

$k=5$

$k=6$


**6-расм:  $k$  нинг турли қийматларида тасодифий инверсия алгоритмини қўллаб,  $n < 70$  ҳолат учун олинган натижалар**

Диссертациянинг «Мураккаб фрактал тузилишли миллий нақшларни чизишни автоматлаштирувчи дастурий мажмуа ишлаб чиқиш» номли учинчи бобида юқоридаги бобларда таклиф этилган ва ишлаб чиқилган мавжуд алгоритмлар асосида дастурий восита яратилган ва амалий масалаларни ечишга қаратилган, шунингдек, дастурий воситанинг асосий интерфейси ва функционал имкониятлари ҳамда мураккаб кўринишдаги фрактал тасвирларни визуаллаштириш алгоритмлари келтирилган.

Аналитик усул, RFM усули, L-тизимлар, IFS усули ва геометрик алмаштиришларга асосан фрактал тузилишли шаклларни ҳосил қилувчи дастурий мажмуанинг умумий тузилиши 9 - расмда келтирилган. Фракталларни RFM усулида чизиш блокада элементар соҳалар (доира, вертикал чизик, горизонтал чизик, ярим текислик ва бошқалар)ни R-функция ёрдамида ифодаланишини ўз ичига олади.



**8-расм. Дастурий мажмуанинг асосий ойнаси**



9-расм. Дастурий воситалар мажмуаси тузилиши

Аждарҳо ва дарахтсимон фракталлар учун геометрик алмаштиришларнинг буриш, кўчириш, акслантириш каби турларидан фойдаланган ҳолда мураккаб фрактал тасвирлар ҳосил қилинади.


L-тизимлар усулида олинган натижаларни  $\alpha$  бурчак остида буриш учун куйидаги геометрик алмаштиришлардан фойдаланилди:

$$\begin{cases} x' = x \cos \alpha - y \sin \alpha, \\ y' = x \sin \alpha + y \cos \alpha. \end{cases} \quad (7)$$


$$\begin{cases} x' = x + r \cos \frac{\pi d}{180}, \\ y' = y + r \sin \frac{\pi d}{180}. \end{cases} \quad (8)$$

бунда  $d = \frac{360}{n}$ .


Аждарҳо ва дарахтсимон фракталлар учун акслантириш, Эл\_акс, кўчириш ва масштаблаштириш параметрларининг турли қийматларида олинган натижалар куйидагича:



Акс=3, Эл\_акс=3,  
кўчириш=50, инт=11



Акс=13, Эл\_акс=4,  
кўчириш=90, инт=14



Акс =7, Эл\_акс =7,  
кўчириш =70, инт =14

**10-расм. Аждарҳо ва дарахтсимон фракталларни геометрик акслантиришдан сўнг ҳосил бўлган мураккаб фрактал тасвирлар**

Мураккаб кўринишдаги фрактал тасвирларни визуаллаштиришда Python ва Java дастурлаш тилларидан фойдаланилди. Яратилган дастурий мажмуанинг алгоритмлари асосида дарахтсимон, аждарҳо эгри чизиғи, Серпин учбурчаги, айланасимон, юлдузсимон миллий нақшлар, кўпбурчаклар, геометрик шакллардан иборат бир неча кўринишдаги фрактал тузилиш тасвирлар ишлаб чиқилди.

## ХУЛОСА

«Мураккаб фрактал тузилишли объектларни математик модел ва рекурсив алгоритмларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Фракталлар назариясининг асосий тушунчалари, фракталларнинг келиб чиқиши, унинг хусусиятлари, турлари, қўлланилиш соҳалари ўрганилди ва тадқиқ қилинди. Натижада фрактал тузилишли миллий

нақшларни енгил саноатда замонавий ва классик дизайнда лойиҳалаш жараёнларини ташкил этишда қўлланилиши ва иқтисодий самара бериши аниқланди.

2. Фракталларнинг куриш усуллари, уларни визуаллаштириш алгоритмлари, қўлланилиш жараёнлари, фрактал ўлчов тушунчаси ва фрактал тузилишга эга бўлган объектларнинг ўлчамини ҳисоблаш усуллари ўрганилди ва тадқиқ қилинди. Фрактал ўлчовни ҳисоблаш формуласи ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган формула асосида фрактал тузилишли нақшларнинг фрактал ўлчовлари аниқланди. Итерацион функциялар тизими (IFS) ва L-тизимлар усуллари асослари ҳамда афзалликлари тадқиқ қилинди. Мазкур усуллар классик ва замонавий фракталларни қиёсий таҳлилини амалга оширишга имкон беради.

3. Фрактал тузилишли объектларни RFM усули ёрдамида математик (геометрик) модели курилди. Мазкур модель асосида айланасимон, дарахтсимон, юлдузсимон, кўпбурчаклардан иборат фракталларни чизиш ва визуаллаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритмлар нақш дизайнига оид мураккаб фрактал тузилишли тасвирларни ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

4. Итерацион усуллар ва полиномиографлар асосида фрактал тузилишли объектларни визуаллаштириш алгоритмлари ва дастурий воситаси ишлаб чиқилди. Мазкур дастурий восита ҳосил қилинган алгебраик фракталлардан иборат миллий нақшлардан фойдаланиш ва газламаларни қисқа вақтда мижозлар талабига мос асортиментда ишлаб чиқаришга имкон берди.

5. Айлана ва юлдузсимон фракталларни деформациялаш натижасида инверсион фракталлар тўпламини ҳосил қилиш алгоритми ишлаб чиқилган. Натижада газлама ва гиламларда фрактал тузилишдаги замонавий миллий нақшлар шакллантиришни автоматлаштириш ва ишлаб чиқаришни 7%-10% га ошириш ва меҳнат ҳажмини бир неча мартага камайтиришга хизмат қилди.

6. Ишлаб чиқилган математик (геометрик) модел ва алгоритмлар асосида фрактал тузилишли объектларни автоматлаштириш ва визуаллаштиришни амалга оширувчи дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди. Ушбу дастурий мажмуа тўқимачилик саноатидаги газлама ва гиламларнинг нақш шакллари яратиш, биноларнинг курилишида хонани интерьер ва экстерьер беага, жиҳозланиши ва дизайнида, курилиш маҳсулотларни нақшлар билан безатишда, уларга дизайн бериш ҳамда маҳсулотларнинг ранг ва нақшларини танлашни автоматлаштириш учун хизмат қилади.

7. Ишлаб чиқилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалар «SAMARQAND PRODUCTS», «BELKIS CARPET», «ARCH VISION PROJECT» ва «ZAMON TEKSTIL EXPORT» масъулияти чекланган жамиятларда жорий қилинган. Натижада замонавий нақшларни чизишни автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни 7% -10% га оширишга, маҳсулотга бозор талабини 1.1-1.2 мартага оширишга, вақтни ўртача 10% га қисқартириш ва меҳнат ҳажмини камайтириш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РАЗВИТИЯ  
ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

**ИБРОХИМОВА ЗУЛАЙХО ЭРГАШ КИЗИ**

**РАЗРАБОТКА МАТЕМАТИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ И  
РЕКУРСИВНЫХ АЛГОРИТМОВ ОБЪЕКТОВ СО СЛОЖНОЙ  
ФРАКТАЛЬНОЙ СТРУКТУРОЙ**

05.01.01 – Инженерная геометрия и компьютерная графика.  
Аудио- и видеотехнологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**



## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется исследованию математических аспектов теории фракталов и методов описания природных процессов и явлений с использованием идей теории фракталов. Теория фракталов, методы и системы компьютерной графики широко используются при построении математических уравнений фрактальных фигур. Также одной из важных задач является разработка математических моделей и алгоритмов геометрических фигур со сложной фрактальной структурой, а также методов их реализации. В зарубежных странах, в том числе в США, Франции, Германии, Италии, Российской Федерации, Китае, Японии, Иране, Корее, Казахстане и других странах, развит современный дизайн ковров, платьев и др. В текстильной промышленности из фрактальных геометрических фигур большое внимание уделяется решению теоретических и практических вопросов развития технологий, используемых при разработке узоров, создании компьютерных пейзажей, различных иллюстраций, архитектуры, радиотехники, телекоммуникаций, нанесении узоров на керамические и фарфоровые изделия, урбанистическом планировании.

В мире разработка и развитие технологий использования фрактальных геометрических фигур в области дизайна текстильной промышленности остается одним из важнейших вопросов. Применительно к созданию фрактальных изображений применение фракталов в области текстиля делится на две части. Во-первых, фрактальные изображения используются при проектировании текстильных рисунков, а во-вторых, на основе теории фракталов анализируются свойства ткани, такие как анализ проницаемости, обнаружение дефектов ткани, анализ текстуры поверхности ткани и т.д. Применение фрактальных изображений дает новые творческие идеи для создания текстильных узоров. Теория фракталов - мощный инструмент для решения сложных задач в текстильной промышленности.

В Республике Узбекистан приняты меры по увеличению объемов производства продукции текстильной промышленности, внедрению стандартов, отвечающих зарубежному рынку и международным требованиям, привлечению известных торговых марок, повышению производительности труда в отраслях промышленности, дальнейшему углублению реформы текстильной промышленности и швейно-трикотажной промышленности, а также для расширения ее экспортного потенциала. На совещании, проведенном Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым 23 апреля 2020 года, посвященном вопросам обеспечения устойчивости текстильной отрасли, было принято решение об увеличении производства готовой продукции в 4-5 раз в следующие 5 лет, снижая себестоимость по сравнению с конкурентами, захвату зарубежных рынков. Для этого было подчеркнуто, что необходимо расширить ассортимент выпускаемой продукции и резко повысить ее качество. В процессе достижения поставленной цели важное место занимает разработка

математической модели фрактальных изображений и внедрение результатов с целью обогащения дизайна ткани красивыми и привлекательными узорами, сокращения временных затрат. В реализации этих задач разработка математических моделей и программного комплекса современных моделей проектирования текстильной промышленности на основе современных информационных технологий для повышения конкурентоспособности продукции, производимой в текстильной промышленности, является одним из актуальных вопросов. В новой Стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, среди прочего, поставлены задачи «...внедрение современных стандартов при производстве продукции, отвечающей требованиям зарубежных и международным рынкам, привлечение известных брендов, широкое внедрение программ повышения производительности труда в отраслях промышленности»<sup>1</sup>. Одной из важных проблем для реализации этих задач является разработка программного комплекса, автоматизирующего моделирование национальных узоров со сложной фрактальной структурой.

В целях обеспечения реализации постановления и указа Президента Республики Узбекистан № УП - 60 от 28 января 2022 года о стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы «...увеличение объема производства продукции текстильной промышленности в два раза», № ПП - 4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», № ПП-4341 от 28 мая 2019 года «О мерах по организации производства швейно-трикотажной продукции и обеспечению занятости населения в регионах республики», № УП - 5989 от 5 мая 2020 года «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности», № ПП-4851 от 6 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в области информационных технологий, развитию и интеграции научных исследований с IT-индустрией» настоящая Диссертация в определенной степени направлена на реализацию задач широкого внедрения программ повышения производительности труда в отраслях промышленности, определенных в других соответствующих нормативных документах.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в рамках IV - «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий» приоритетного направления развития науки и техники республики.

**Уровень изученности проблемы.** Ряд монографий и журнальных статей посвящен вопросам математического моделирования геометрических фигур со сложной фрактальной структурой, включая, Б.Б.Мандельброт,

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана»

Г.М.Жулия, Wen Li, W.Luo, Y.P. Zhang, E.Chaos, K.Gdawiec, Krzysztof, W.Kotarski, A.Lisowska, Y.Ishikawa, S.Suantai, B.Karakaya, Р.Бранч, К.Д.Фальконер, А.А.Потапов, Ю.С.Семерич, С.В.Чопоров, А.Д.Морозов, М.А.Романов и другие пытались расширить область фрактальной геометрии, включая ее практическое применение по всему миру, в области радиотехники и радиолокации, от предсказания котировок ценных бумаг на рынке до совершения новых открытий в теоретической физике.

Заслуживают внимания научные работы Б.А.Бондаренко, Ш.А.Назирова, Б.Хужаёрова, Ш.А.Анаровой, Ф.М.Нуралиева и других ученых по развитию теории фракталов в нашей республике. Академик Б.А.Бондаренко проводил научные исследования по построению обобщенных «треугольников Паскаля», «пирамид Паскаля» и их фрактальных уравнений на основе теории биномиальных базисных многочленов с арифметическими характеристиками. Профессор Ш.А.Назирова разработал уравнения и рекурсивные алгоритмы классических геометрических фракталов сложной структуры с использованием метода R-функций (RFM).

Исследования в этой области показывают, что L-системы, методы системы итерационных функций (IFS) широко используются при построении фракталов. Однако при математическом моделировании геометрических фигур со сложной фрактальной структурой, в частности, методом R-функций, круг в узбекских национальных узорах, исключительная антенна, связанная, пересекающаяся, попытка-пересекающаяся, внутренняя пересекающаяся окружность, дерево-подобные фракталы, регулярные виды математическое моделирование объектов со сложной фрактальной структурой, состоящей из углов, изучено недостаточно.

